

## НАВРЎЗОНА КАЙФИЯТ БИЛАН

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган байрам сайлларида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ёшлар иттифоқи аъзолари фаол иштирок этишди.

Талабалар томонидан байрам дастурИ тайёрланиб Тошкент шаҳри «Халқлар дўстлиги» майдонида Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари урғ-одатлари, миллий қадриятларимиз намойиш этилди. Қизиқарли ўйинлар, викториналар тайёрланиб халқимиз кайфиятига кайфият улашилди. Байрамона куй-қўшиқлар, тош кўтариш мусобақалари, миллий ўйинларимиз ўтказилди.

Институт талабалари чиқишлиари Ёшлар, «Ўзбекистон 24» телеканаллари орқали намойиш этилди. Байрам давом этади 23-24 март кунлари «Халқлар дўстлиги» ва бошқа байрам тадбирлари ташкил этиладиган ҳудудларга сиз ҳам оила аъзоларингиз билан ташриф буюринг. Фаол бўлиш шараф.



**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**